


ЭЛЕКТРОН ҲИСОБОТ

жўнатиш буйича йўриқнома



Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси

ЭЛЕКТРОН ҲИСОБОТ жўнатиш бўйича йўриқнома

Амалий қўлланма

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОНИ ОЛАМИЗ	4
Электрон рақамли имзо (ЭРИ) – ўзи нима? ЭРИни қандай олиш керак? ЭРИнинг амал қилаётган ёки амал қилмаётганлигини қандай билиш мумкин?	
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ САЙТЛАРИГА КИРАМИЗ	10
Тизимга кириш Рўйхатдан ўтиш • Менинг реқвизитларим • Паролни ўзгартириш • Қўшимча маълумотлар	
ЭЛЕКТРОН ҲИСОБОТНИ ЖЎНАТАМИЗ	14
Ҳисоботларни тузиш Жўнатиш Текшириш ва хатоларни тузатиш	
ЭЛЕКТРОН ҲИСОБОТНИ ҚАНДАЙ ТЕЗ ЖЎНАТИШ МУМКИН?	22
ҚЎШИМЧА ХИЗМАТЛАР	24
Шахсий варақа карточкаси Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирув далолатномаси Хўжалик юритувчи субъектларни текширишнинг мувофиқлаштирувчи режа-жадвали	
ТАКЛИФЛАРИНГИЗ	27
САВОЛ-ЖАВОБЛАР	28

Бугунги кунда электрон хужжатлар айланмаси ғайритабиий сўзлар бирикмасидан бухгалтер учун қулай ишлаш воситасига айланди. Ҳақиқатдан ҳам, тўп-тўп қоғозли хужжатлар ўрнини босувчи электрон хужжатлар айланмаси муаммолар ечимини анча осонлаштиради, вақт ва ресурсларни тежайди.

Даставвал консерватив кайфиятдаги бухгалтерлар ҳисоботни электрон кўринишда топшириш имкониятига шубҳа билан қарашган бўлса, бугун бухгалтерияни автоматлаштирганлар бухгалтерияни автоматлаштириш бўйича замонавий дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда, ҳисоботларни масофадан жўнатишни табиий ҳол, деб қабул қилишмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон бозорида тақдим этилган қатор дастурий маҳсулотлар (мисол учун, «БЭМ») уларга ана шундай имкониятни тақдим этмоқда:

hisobot.uz сайтида тизимнинг ишлаши билан биринчи марта рўбарў бўлган киши ўзини худди нотаниш шаҳардагидек ҳис этиши мумкин – қатор «кўчалар», тушунарсиз номлар, кўрсаткичлардаги белгилар ҳам қисқа ва лўнда. Амалда эса, ҳар қандай одам тизимнинг ишини тушунишга ва қабул қилишга қодир. Бунинг учун кўп вақт ҳам талаб этилмайди. Фақат яхши йўл кўрсатувчи керак.

Ушба қўлланма айнан шу мақсадда – яъни, бошловчи учун тушунтирувчи (гид) ва йўлқўрсаткич ролини бажариш учун яратилган бўлиб, у Сизга солиқ ҳисоботини биринчи галданоқ электрон тарзда топширишнинг барча сир-асрорларини осонлик билан ўзлаштиришингиз учун мўлжалланган.

Янада қулай бўлиши учун биз қўлланманинг охириги – савол-жавоблар бобида «Солиқ Инфо» газетаси таҳририятига келиб тушган саволлар ва Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг ваколатли мутахассислари томонидан уларга берилган жавобларни жойлаштирдик. Ушбу йўриқнома Сизнинг яқин ёрдамчингизга айланишига ишонамиз.



ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО (ЭРИ) – ЎЗИ НИМА?

Электрон ҳужжат тегишли имзони талаб этади. ЭРИ – электрон рақамли имзо – айнан шундай имзо ҳисобланиб, у электрон ҳужжатнинг юридик кучини тасдиқлаш учун зарурдир.

Фақат ЭРИ ёрдамида Давлат солиқ қўмитасининг махсус сайтларига кириб хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблари, текширувлар режа-жадвали тўғрисида ва энг муҳими – электрон кўринишдаги солиқ ва молиявий ҳисоботларни Интернет орқали солиқ инспекциясига жўнатишингиз мумкин.

ЭРИни ҚАНДАЙ ОЛИШ КЕРАК?

ЭРИ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан рўйхатдан ўтган пайдан бошлаб бир йил муддатга берилади ва амал қилиш муддати шартнома (очиқ оферта) билан фақат икки марта узайтирилади.

ЭРИни солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларидан олишингиз мумкин. Бунинг учун Сиз солиқ инспекторингизга мурожаат этишингиз ва белгиланган тартибдаги аризани тўлдиришингиз керак.

_____дан
 Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг
 ЭРИ калитларини рўйхатдан
 ўтказиш марказига

АРИЗА

«Болтабоев МЧЖ»
 (юридик шахс – ташкилотнинг номи)

Юридик шахс СТИРИ **300455485**

Юридик шахснинг рўйхатдан ўтган рақами ва санаси **00457-сон, 15.01.2010 й.**

Раҳбар _____ **Болтабоев Анвар Эшонович** _____ номидан
 (ташкилот раҳбари фамилияси, исм-шарифи)

Сиздан **Бухгалтер Смирнова Алла Ивановна, СА 15787980**
 (номига ЭРИ рўйхатдан ўтказилаётган ходимнинг лавозими, Ф.И.Ш., паспорт маълумотлари)

номига 12 ойлик муддат давомида ташкилотимиз номидан қуйидаги
 ваколатларни амалга ошириш учун электрон-рақамли имзони расмий-
 лаштиришни сўрайди

Ваколатлар

Белги (ҳа/ўйқ)

1. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-
 китоблар тўғрисида маълумот олиш / **ҳа**

Ўзбекистон Республикасининг
 «Электрон рақамли имзо
 тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасига
 мувофиқ, қуйидаги асосий
 тушунчалар қўлланилади:

электрон рақамли имзо —
 электрон ҳужжатдаги мазкур
 электрон ҳужжат ахборотини
 электрон рақамли имзонинг
 ёпиқ калитидан фойдаланган
 ҳолда махсус ўзгартириш
 натижасида ҳосил қилинган ҳамда
 электрон рақамли имзонинг
 очиқ калити ёрдамида электрон
 ҳужжатдаги ахборотда хатолик
 йўқлигини аниқлаш ва электрон
 рақамли имзо ёпиқ калитининг
 эгасини идентификация қилиш
 имкониятини берадиган имзо;

**электрон рақамли имзонинг
 ёпиқ калити** — электрон рақамли
 имзо воситаларидан фойдаланган
 ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо
 қўювчи шахснинг ўзига маълум
 бўлган ва электрон ҳужжатда
 электрон рақамли имзони яратиш
 учун мўлжалланган белгилар
 кетма-кетлиги;



электрон рақамли имзонинг очик калити — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш — электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа;

электрон ҳужжат — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реқвизитларига эга бўлган ахборот.



2. Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг текширишлар режа-жадвалидан тегишли даврга кўчирма олиш / ҳа

3. Қуйидагилар бўйича электрон ҳисоботни шакллантириш ва жўнатиш:

3.1 Барча турдаги солиқ тўловлар бўйича / **ҳа**

3.2 _____

Эслатма: 3.2-бандида ходим электрон солиқ ҳисоботини шакллантириш, имзолаш ва жўнатиш ваколатига эга бўлган ходим томонидан тўланадиган солиқ тўловлари санаб ўтилади.

Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш марказининг очик офертаси билан танишдим, очик офертада белгилаб берилган шартларга розиман.

Раҳбар _____ **Болтабоев А.И.**

(тўлдирилган сана) / М.Ў.

Ўзингиз билан флеш-мосламани олишни унутманг – ЭРИ калити айнан унга ёзилади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, ЭРИ юридик шахслар учун пуллик асосда берилади. Тўлов шартнома (очиқ оферта) асосида – Шартномага илова қилинган нархлар прејскуранти бўйича амалга оширилади. Сиз www.e-hisobot.uz ёки www.otchet.uz сайтларига кириб, бу иловани ҳам кўчириб (юклуб) олишингиз мумкин.

**Электрон рақамли имзо (ЭРИ)нинг
ёпиқ ва очиқ калитларини яратиш бўйича хизмат кўрсатиш учун
НАРХЛАР ПРЕЙСКУРАНТИ***

№	Хўжалик юритувчи субъект турлари	Нархлар (энг кам иш ҳақидан фоиз ҳисобида)
ЮРИДИК ШАХСЛАР		
1	Бюджет ташкилотлари	0
2	Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар	0
3	Деҳқон ва фермер хўжаликлари	10
4	Хўжалик юритувчи субъектлар, 1, 2-бандларда кўрсатилганларидан ташқари	20
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР		
1	Жисмоний шахслар	0

* 2011 йилда амал қилаётгани



ЭРИни олиш учун бир неча дақиқа кифоя. Шунини қайд этиш жоизки, Сиз ЭРИни тўлов тўғрисидаги тўлов топшириқномасини тақдим этмасдан туриб олишингиз, яъни аввал ЭРИни олиб, сўнг тўловни амалга оширишингиз мумкин. Бироқ, бундай шароитда шунини назарда тутишингиз лозимки, Сиз у билан ишлаш олмай-сиз ва «Солиқ тўловчига интерактив хизматлар» тизимига кирган вақтингизда хатолик ҳамда ЭРИнинг фаол эмаслиги тўғрисидаги хабарни оласиз.


Сиз тўловни амалга ошириб бўлганингиздан кейингина ЭРИ Тизим фойдаланувчиларининг очиқ калит ва сертификатлари реестрида рўйхатдан ўтказилади ва фаоллик мақомини олади.

✓ Шунини ёдда тутиш лозимки, ЭРИ бир йил муддатга берилади. Ахборот махфийлиги ва хавфсизлигини сақлаш мақсадига ЭРИни ҳар йили янгилаш зарур. Янги ЭРИни олиш ёки эскисининг муддатини узайтириш учун яна туман ДСИга тегишли сўровнома билан мурожаат этиш ва нархлар прејскурантига мувофиқ тўловни амалга ошириш керак.

ЭРИнинг АМАЛ ҚИЛАЁТГАН ЁКИ АМАЛ ҚИЛМАЁТГАНЛИГИНИ ҚАНДАЙ БИЛИШ МУМКИН?

Сиз компьютерга ЭРИ жойлашган электрон ташувчи – флеш-мосламани ўрнатган вақтингизда, асосий каталогда тўртта файл – ёпиқ ва очиқ ЭРИ калити, ЭРИнинг ўзи ва ЭРИ калити сертификати жойлашганлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак. Бунда ушбу файлларни флеш-мосламасининг асосий каталогидан айнан шу электрон мосламанинг бошқа папкасига жойлаштириш мумкин эмас. Мазкур ҳаракат ДСҚ интерактив хизматлари тизимида хатоликка олиб келади ва Сиз ЭРИ топилмаганлиги тўғрисидаги хабарни оласиз.

Шунингдек, ҳар қандай фойдаланувчи ЭРИ реестрида ЭРИ калитининг фаоллиги, бекор қилинганлиги ёки тўхтатиб қўйилганлиги тўғрисидаги ахборотларни текшириб кўриши мумкин. Бунинг учун www.hisobot.uz сайтининг «ЭРИ реестри»га кириб, керакли вилоят, шаҳар, туман, СТИРни танлаш ва ахборотни кўриб чиқиш лозим.



Демак, Сиз ЭРИни рўйхатдан ўтказилганлиги ва фаоллиги ҳақида маълумот олдингиз, энди эса давом этамиз...



ТИЗИМГА КИРИШ

Сиз ЭРИни олиб, керакли калитга эга бўлдингиз. Энди мазкур калитнинг қулфини топиш керак.

Солиқ инспекциясига электрон ҳисоботни жўнатиш учун Давлат солиқ қўмитасининг www.hisobot.uz, www.e-hisobot.uz ва www.otchet.uz махсус сайтларидан бирига кириш зарур.

Амалда қайси сайтдан фойдаланиш унчалик катта аҳамиятга эга эмас, аммо, шуни таъкидлаш лозимки, «Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизимида фақат www.hisobot.uz сайтида ишлаш учун Internet Explorer браузеридан фойдаланиш лозим. Айнан шу ерда ўзбек ва рус тилларида браузерни созлаш бўйича қадам-бақадам йўриқнома мавжуд.

Юқорида қайд этилган бошқа сайтлар исталган браузерлар, масалан, Opera, Mozilla Firefox ва ҳоказолардан фойдаланган ҳолда ишлайди.

Компьютерга ЭРИ жойлашган флеш-мосламанни ўрнатиб, сайтига кирамиз.

Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот марказига маслаҳат сўраб кўнғироқ қилишди:



- Мен нима учун солиқ тўловчининг шахсий кабинетига кира олмаяпман?
- Сиз ЭРИни олганмисиз?
- Ҳа.
- У қерда жойлашган?
- Флешкада.
- Флешка қерда?
- Чўнтагимда.
- Флешкани компьютерга уласангиз, ўзингизнинг шахсий кабинетингизга кира оласиз.



[Ҳаётий мисол]

Сизнинг чап томонингизда – хабарлар ойнаси бўлиб, унда СТИР ва паролни (дастлаб ташкилотнинг СТИРи паролъ ҳисобланади ва кейинроқ уни ўзгартиришингиз мумкин) кўрсатиш керак. Шунингдек, ЭРИдан фойдаланган ҳолда тизимда ишлаш вақтида зарурий компонент ҳисобланган «JAVA» («JRE») иловасини кўчириб (юклаб) олиш керак.

Сиз «JAVA» («JRE») иловасини кўчириб (юклаб) олиш, СТИР ва паролни кўрсатганингиздан сўнг, «Кириш» тугмасини босасиз. Шу тариқа Сизнинг «Шахсий кабинет»ингизга кирдик ва ўша ердан солиқ ҳисоботларини жўнатамиз.





РҮЙХАТДАН ҮТИШ

«Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизими («Шахсий кабинет»)га кириш пайтида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар ойнаси пайдо бўлади. Ушбу маълумотларни албатта кўрсатиш керак, чунки кейинчалик электрон ҳисоботни тўлдириш ва жўнатиш вақтида улардан фойдаланилади.

Рўйхатдан ўтказиш шакли жуда оддий ва Сиз бунинг учун қуйидаги маълумотни тўлдиришингиз керак:

- ❑ корхона ходимлари сони;
- ❑ корхона тури;
- ❑ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами;
- ❑ телефон коди ва рақами;
- ❑ раҳбарнинг СТИРи (солиқ тўловчининг идентификация рақами);
- ❑ бухгалтернинг СТИРи (солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Агар ташкилотингизда бухгалтердан фойдаланиш кўзда тутилмаган бўлса, бухгалтернинг СТИРи ўрнига бухгалтерия ҳисобини юритиш учун жавобгар шахснинг СТИРи кўрсатилади.

Агар Сиз рўйхатдан ўтказилган маълумотларнинг сақланганлигини текширмоқчи ёки беҳосдан директорнинг СТИРини хато кўрсатганлигингизни эслаб қолган бўлсангиз, эҳтимол, хавфсизлик нуқтаи назаридан паролни фақат ўзингиз биладиган янгисига дарҳол алмаштиришни истасангиз, бунинг учун «Сервис» менюсига киришингиз керак бўлади.

«Сервис» менюсининг ҳар бир бандини кўриб чиқамиз:

- ✓ «Менинг реквизитларим» – у солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумот ва реквизитларини ўз ичига олади.

Бу ерда қуйидаги Эслатмага эътиборни қаратиш жоиз:

Сизнинг корхонангиз реквизитларидаги «Қуйида акс эттирилган ўзгаришлар ДСИда 04, 08 ва 15-сонли шаклларни тўлдириш йўли билан амалга оширилади».

Шундай қилиб, агар корхонангизнинг бирон-бир реквизитлари ўзгарган, мисол учун, директор ва бош бухгалтер ўзгарган бўлса, туман солиқ инспекциясини содир бўлган ўзгаришлар ҳақида хабардор қилишингиз, юқорида кўрсатилган шаклларни тўлдиришингиз ва уларни олиб бориб беришингиз зарур. Сиз бундай ҳолда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 83-моддаси учинчи қисмига амал қилишингиз керак:

*Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилган **юримдик ва жисмоний шахслар** — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ҳисоб маълумотларидаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида **бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда** маълум қилишлари шарт.*

✓ «Паролни ўзгартириш»

Сизнинг паролингиздан ҳеч ким фойдалана олмаслиги учун – дастлаб бу корхонангизнинг СТИРИ ҳисобланади, Сизга уни ўзгартириш имконияти берилган. Бунинг учун амалдаги паролни, сўнг янгисини кўрсатишингиз, ундан сўнг янги паролни такрорлашингиз ва «Сақлаш» тугмасини босишингиз ва, албатта, шу билан бирга янги паролни эслаб қолишингиз ёки бирон-бир жойга ёзиб қўйишингиз керак.

✓ «Қўшимча маълумот»

Мазкур сервис хизмати амалдаги паролингизни унутиб қўйганингизда зарур бўлади.

Шу билан бирга, «Паролни тиклаш учун маълумот»ни тўлдириш – рўйхатдан «Назорат саволи»ни танлаб олиб, унга жавоб беришингиз, сўнг эса «Сақлаш» тугмасини босишингиз керак. Шунингдек, хоҳишга кўра «Паролни тиклаш учун қўшимча маълумот»ни ҳам тўлдириш мумкин. Шу билан рўйхатдан ўтказиш жараёни тўлиқ якунига етади.



Рўйхатдан ўтиш жараёнини яқунлаб, энг асосий иш – электрон ҳисоботни жўнатишга киришса бўлади. Бунинг учун Сиздан атиги уч қадамни бажариш талаб этилади.

1-ҚАДАМ – ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ

«Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизими («Шахсий кабинет»)нинг менюсида «Электрон ҳисобот шакллари» (ЭҲШ)ни танлаймиз. «Электрон шакллар» тугмасини босиш йўли билан электрон ҳисобот шакллари журнали очилади.

№	Электрон шакллар	Амал қилиш мuddати	Амал
1	Солиқ ҳисоботлари	01.01.2008 дан	
2	Молиявий ҳисоботлар	01.01.2008 дан	
3	Бюджетдан ташқари жангармаларга тўловлар бўйича ҳисобот	01.01.2008 дан	
4	Бозор даромадлари ҳисоб - китоби	01.01.2011 дан	
5	Валюта тушинига эга бўлган хўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумотно	01.01.2011 дан	


Сиз бу ерда зарур бўлган ҳисобот шаклларини тўлдириш учун танлаб оласиз. Масалан, «Солиқ ҳисоботлари»нинг биринчи бандига кирамиз ва «Ягона солиқ тўлови»ни танлаймиз.

Шундан сўнг «Маълумотнома – ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби»ни танлаб оламиз ва унга барча керакли маълумотларни киритамиз:

- ▣ солиқ – ягона солиқ тўловини танлаб олиш керак;
- ▣ йил – рўйхатдан йил танлаб олинади, масалан, 2011 йил;
- ▣ ҳудуд – рўйхатдан ҳудуд танлаб олинади, масалан, Тошкент шаҳри;
- ▣ ҳисоб-китобнинг тури – ҳисоб-китобнинг тури танлаб олинади (ҳисоб-китоб ёки қайта ҳисоб-китоб);
- ▣ давр – рўйхатдан давр танлаб олинади (I чорак, ярим йиллик, 9 ойлик, йиллик);
- ▣ туман – туман танлаб олинади, яъни ДСИ жойлашган туман, масалан, Чилонзор тумани;
- ▣ варақ – рўйхатдан тўлдириладиган ягона солиқ тўлови бўйича ҳисобот варағи танлаб олинади.

Солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар иловаларида солиққа тортиладиган базанинг камайтирилиши ёки имтиёзларни кўрсатиш керак бўлган жойда, Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича имтиёзлар маълумотномалари назарда тутилган.

Сиз оддийгина маълумотномадан тегишли имтиёзни танлаб оласиз ва унинг суммасини кўрсатасиз.





Тизим тўлдириш вақтидаги эҳтимолли хатоларни ўзи назорат қилади.

Агар Сиз тўсатдан имтиёзни кўрсатиш учун солиқнинг бошқа турини танлаб олсангиз, масалан, ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини (ҳисоб-китобнинг 2- ёки 3-иловаси) тўлдириш вақтида имтиёзлар маълумотнома-сида қўшилган қиймат солиғини танлаб олган бўлсангиз, тегишли имтиёзлар рўйхатда бўлмайди, чунки улар мазкур ҳисоб-китобга мос келмайди.

2-ҚАДАМ – ЖЎНАТИШ

Барча зарур ҳисобот варақларини тўлдириб, «Сақлаш» тугмасини босиш керак.

Дастлаб ҳисобот «чала ҳисобот» сифатида сақланади ва «Рўйхатдан ўтказиш дафтари»да унга тегишли мақом берилади. Агар ҳисоботда бирон-бир маълумотни тўғрилаш, нусхасини олиш ёки қоғозга чиқариш керак бўлса, «Таҳрир қилиш» ва «Қоғозга чиқариш» тегишли тугмаларини босишингиз мумкин. Ҳисоботдан нусха олиш учун «Рўйхатдан ўтказиш дафтари»да «Нусха» белгисини танлаш керак.

Барчаси тўғриланганлигига ишонч ҳосил қилиб, «Жўнатишга тайёрлаш» тугмасини босинг.

«Жўнатишга тайёрлаш» тугмасини босганингиздан сўнг, унга рўйхат рақами берилади ва у «Жўнатиш учун тайёр» мақомини олади.

Зарурият бўлган ҳолда жўнатишдан олдин Сиз ҳисоботингизни яна бир марта таҳрир қилишингиз («Таҳрир қилиш» тугмасини босиш), қоғозга чиқаришингиз («Қоғозга чиқариш» тугмасини босиш) мумкин.

ИНТЕРАКТИВНЫЕ УСЛУГИ НАЛОГООПЛАТЕЛЬЩИКАМ

Солиқ: 36. Единый социальный платеж | Хисобот тури: Хисобот

Йил: 2011 | Давр: Октябрь

Вилоят: г. ТАШКЕНТ | Туман: МИРЗО-УЛУТБЕКСКИЙ р-н

Варақ: Бюджетдан ташқари пенсия жағмармасига мажбурий ажратмалар тўловчиси тўғрисида маълумотлар

СТИР

Хужжат турини: 1 | Хисобот даври: 10 Октябрь | Хисобот йили: 2011 йил

Хужжат турини: 1 – ҳисоб-хисоб, 2 – қайта ҳисоб-хисоб (қаср ордани қайта ҳисоб-хисобнинг рақами)

Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармасига мажбурий ажратмалар тўловчиси тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР

Юридик шахснинг түши, номи: _____

Ишловчилар соми: 6 | Киши: _____

Микрофирма Кичик корхона Ишра: корхона Электростанция

Дав-т рўйхатдан ўтказилган йилнинг тўғри гу-ма: _____


Юридик манзили: **МИРЗО-УЛУТБЕКСКИЙ р-н**

Почта манзили: _____

Телефон код: _____ рақами: _____

Ҳисоботингиз жўнатишга тайёр эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, «Жўнатиш» («ОК») тугмасини босасиз.

Шундан сўнг, жўнатиш жараёни рўй беради ва унга «Жўнатилган ҳисобот» мақоми берилади. «Рўйхатдан ўтказиш дафтари»да ҳисобот ўз вақтида ёки кечиктириб жўнатилганлиги ҳақида маълумот пайдо бўлади. Бунда шуни қайд этиш жоизки, жўнатилган сана (Солиқ кодексининг 45-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ) солиқ ҳисоботини тақдим этиш санаси ҳисобланади.



3-ҚАДАМ – ТЕКШИРИШ ВА ХАТОЛАРНИ ТУЗАТИШ

Сизнинг ҳисоботингиз уч кун давомида солиқ инспектори томонидан текширилади ва унга ёки «Қабул қилинган», ёки «Рад этилган» («Қайтарилган») мақоми тақдим этилади. Сиз жўнатилган ҳисоботнинг мақомини «Рўйхатдан ўтказиш дафтари» (менюнинг «ЭМХ»-банди)да текширишингиз мумкин.

Агар ҳисоботга «Рад этилган» («Қайтарилган») мақоми берилган бўлса, бу унда хато борлигини билдиради, Сиз уларни тузатишингиз, сўнг қайтадан жўнатишингиз керак. Мазкур ҳисоботга кириб («Батафсил маълумот» белгиси босилади), Сиз унда айнан қандай хато борлиги ҳақидаги хабарни кўрасиз.

Агар ҳисобот «Рўйхатдан ўтказиш дафтари»да «Қабул қилинган» мақоми билан рўйхатдан ўтказилган бўлса, бу уни тўғри тўлдирганингизни билдиради. Ҳисоботнинг қоғоз кўринишидаги нусхаси талаб этилмайди.

Ҳисоботингиз ўз вақтида топширилганлиги ва солиқ инспектори томонидан имзоланганига ишонч ҳосил қилиш учун батафсил маълумот («Рўйхатга олиш дафтари»нинг «Батафсил маълумот» белгиси)га киришингиз ҳамда билдиришномани қоғозга чиқаришингиз керак. Билдиришномада солиқ ҳисоботи тақдим этилган сана ҳамда ҳисоботни қабул қилган инспекторнинг фамилияси, исм-шарифи кўрсатилади.

Электрон тарздаги солиқ ҳисоботи қабул қилиб олинганлиги тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 45 - моддасига асосан, ушбу тасдиқнома берилди шу ҳақидаки,

Солиқ тўловчи [redacted] (номи) [redacted] томонидан **г.ТАШКЕНТ ЧИЛАНЗАРСКИЙ р-н** туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси

стир рақами [redacted] давлат солиқ инспекциясига **Единный налоговый платеж** (солиқ ёки мажбурий тўлов номи) этилган

бўйича тақдим этилган **2** **Полугодие** хисобот даври учун солиқ ҳисоботи хисобот даври

13.07.2011 кунин қабул қилиб олинди.

Маъсул ходими **Калитров Комил Акмалович** (Исми, шарифи ва фамилияси)



Электрон ҳисоботни жўнатишда кўп вақт сайтлардаги ҳисобот шаклларини тўлдириш учун кетади. Сизнинг бухгалтериянгиз автоматлаштирилган ва барча ҳисоботлар автоматик тарзда тузилган тақдирда ҳам, солиқ ҳисоботи шаклларини тўлдиришингизга тўғри келади. Бироқ...

Агар бухгалтерия дастурингиз электрон тарздаги ҳисоботни Интернет орқали жўнатиш имкониятига эга бўлса, Сиз электрон ҳисоботни бундан ҳам осон ва тез жўнатишингиз мумкин.


Ҳозирги кунда «БЭМ» Ўзбекистон бозорида ана шундай имкониятларга эга бўлган ягона бухгалтерия дастури ҳисобланади.

Ҳисоботни электрон кўринишда жўнатиш учун, Сиздан техник билим ва кўникма талаб этилмайди, аксинча дастурнинг ўзи барчасини бажаради. Унда ҳамма нарса назарда тутилган – ҳисоботни жўнатиш учун электрон манзиллар ёзиб қўйилган.



Мазкур функцияни биринчи марта қўллаганимизда, дастурни созлаймиз...


Бунинг учун дастурнинг созлаш тизимига кириб, «Ҳисоботларни жўнатиш» белгисини қўйиб чиқамиз ва шу тариқа ҳисоботлар тўғридан-тўғри <http://hisobot.uz> сайтига жўнатиладиган функцияни ишга тушираемиз. «Маълумотномалар» тоифасида «Ташкилотлар» объектини танлаб оламиз. Шундан кейин «Электрон ҳисобот» иловасини босамиз ҳамда ундан солиқ ҳисоботлари топшириладиган ҳудуд ва туманни танлаб оламиз.




Шундан сўнг ЭРИ жойлашган флеш-мосламани компьютерга ўрнатамиз ва дастурда ҳисоботни шакллантираемиз.

Ҳисоботдан чиқмасдан туриб, «Созлашлар»га киришимиз ва «Ereport» тугмасини босамиз.

Сизнинг ҳисоботингиз жўнатилды!



Ҳисоботларни электрон кўринишда жўнатиш билан «Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизимининг барча имкониятлари чекланмайди. Давлат солиқ қўмитасининг сайтларида Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, Сиз солиқлар бўйича қарзингиз ёки ортиқча тўловингизни билиб олишингиз, солиштирув далолатномаларини кўздан кечиришингиз, навбатдаги солиқ текширувни қачон кутиш кераклигини билиб олишингиз мумкин. Бунинг учун «Ахборот» менюсига киришингиз керак.



ШАХСИЙ ВАРАҚА КАРТОЧКАСИ («ШВК»)

Шахсий варақа карточкаси («ШВК») солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлови бўйича уларнинг турига кўра маълумотни тақдим этади, шунингдек, фойдаланувчи (солиқ тўловчи)га солиқлар бўйича ортиқча тўлов ёки қарз борлиги, қайси давр учун пеня ҳисоблангани ва ҳоказоларни кўриш имконини беради. Ушбу маълумотни олиш учун Сиз:

- солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг номини танлаб олишингиз;
- ахборотни олмоқчи бўлган ҳисобот даврини кўрсатишингиз;
- зарурият бўлса, «ШВК»ни янгилаш» тугмасини босишингиз керак.

Агар шахсий варақа карточкасини босиб чиқармоқчи бўлсангиз, «Excelга экспорт қилиш» тугмасини босиб, уни Excelга экспорт қилишингиз мумкин.

ИНТЕРАКТИВНЫЕ УСЛУГИ НАЛОГПЛАТЕЛЬЩИКАМ

- Сдача налоговых расчетов и финансовых отчетов в налоговые органы через интернет
- Предоставление информации о взаиморасчетах с бюджетом и внебюджетными фондами
- Выдача выписки из плана-графика проверок хозяйствующих субъектов контролирующих органов

Справка | Контакты

189

Главная | Информация | ЭФО | Сервис | Платежки | Ваши предложения | 22:39

Область: **г.ТАШКЕНТ** | Район: **ЧИЛАНЗАРСКИЙ р-н** | Отчетный период: **2011** | Наим. налога: **36-Единый социальный платеж**

Обновить КЛС | Экспорт в EXCEL

Дата оп.	Содержание операции	Недочика	Переплата	Сумма пени	За какой период пени	Упл
	Сальдо на	0	180495	0	0	
15.02.2011	С расчета за 12 м.	0	279895	0	0	
10.01.2011	Нач.часть общ.пени	0	279895	0	902.48	01.01.2011 - 10.01.2011
14.04.2011	С расчета за 1 м.	0	379365	0	0	
10.02.2011	Нач.часть общ.пени	0	379365	0	4338.37	11.01.2011 - 10.02.2011
14.02.2011	Пост.сог.Пл.пор №6	0	99035	0	0	
14.02.2011	Нач.часть общ.пени	0	99035	0	758.73	11.02.2011 - 14.02.2011
15.02.2011	Нач.часть общ.пени	0	99035	0	34.52	15.02.2011 - 15.02.2011
14.04.2011	С расчета за 2 м.	0	198505	0	0	
10.03.2011	Нач.часть общ.пени	0	198505	0	1138.9	16.02.2011 - 10.03.2011
11.03.2011	Нач.часть общ.пени	0	198505	0	99.25	11.03.2011 - 11.03.2011
31.03.2011	Пост.сог.Ин.пор №56000060€	0	189506	0	0	
31.03.2011	Нач.часть общ.пени	0	189506	0	1977.04	12.03.2011 - 31.03.2011

БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ СОЛИШТИРУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирув далолатномасини олиш учун солиқ инспекциясига бориш шарт эмас, уни Сиз «Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизими («меню»)нинг «Ахборот» бандида мустақил тузишингиз ва зарурият туғилган ҳолда, ўзингиз учун истаган қулай вақтда босиб чиқаришингиз мумкин.

Бунинг учун ҳисобот даври ва сўров санасини кўрсатишингиз ва «Солиштирув далолатномасини тузиш» тугмасини босишингиз керак.

«Excelга экспорт қилиш» тугмасини босиб, солиштирув далолатномасини Excelга экспорт қилиб, уни қоғозга босиб чиқариш мумкин.

ЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕЖА-ЖАДВАЛИ

Мазкур хизмат ўжалик юритувчи субъектлар текширувларининг мувофиқлаштирувчи режа-жадвалидан кўчирмани ташкил этиб, ундан ҳисобот даврида корхонангиз текширилиш- текширилмаслигини кўришингиз мумкин. «Ахборот» бўлимида «Ўжалик юритувчи субъектларни текширишнинг мувофиқлаштирувчи режа-жадвалидан кўчирма» кичик бўлимини танлаб оласиз. Бу ерда, шунингдек, «Excelга экспорт қилиш» тугмасидан фойдаланиб, мазкур маълумотни босиб чиқариш мумкин.

ИНТЕРАКТИВНЫЕ УСЛУГИ НАЛОГПЛАТЕЛЬЩИКАМ

- Сдача налоговых расчетов и финансовых отчетов в налоговые органы через интернет
- Предоставление информации о взаиморасчетах с бюджетом и внебюджетными фондами
- Выдача выписки из плана-графика проверок хозяйствующих субъектов контролирующих органов

Область: г.ТАШКЕНТ | Район: ЧИЛАНЗАРСКИЙ р-н | Отчетный период: 2011 | Дата обработки: 05.10.2011

Дата запроса: 14.09.2011 | Создать АКТ сверки | Экспорт в EXCEL

Код платежа	Платежи	Уплачено			
		платежи	возврат	пеня	итого
30	7% ед.налога в фонд "Канопол"	47600.3	0	337.54	47937.84
36	Единый социальный платеж	1468574.1	0	13648.73	1482222.83
38	4.0% страховые взносы в ПФ	142497.92	0	3.08	142501
46	Подходный налог с раб.,служ.и колхозн.	401750	0	0	401750
100	Единый налоговый платеж	663869.5	0	2952.61	666822.11
101	Отчисление в ИНПС	24500	0	0	24500
ИТОГО:		2748791.82	0	16941.96	2765733.78

ИНТЕРАКТИВНЫЕ УСЛУГИ НАЛОГПЛАТЕЛЬЩИКАМ

- Сдача налоговых расчетов и финансовых отчетов в налоговые органы через интернет
- Предоставление информации о взаиморасчетах с бюджетом и внебюджетными фондами
- Выдача выписки из плана-графика проверок хозяйствующих субъектов контролирующих органов

Отчетный период: 2011 | Экспорт в EXCEL


Код	Наименование контролирующих органов	Дата проверки	
		начало	окончания

Шуни эътиборга олиш керакки, электрон ҳисоботни жўнатиш тизими кўп бухгалтерларнинг яқин ёрдамчисига айланиб улгурган бўлишига қарамасдан, барибир у доимий такомиллаштириб боришни талаб этади. Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот маркази мунтазам равишда бу борадаги хизматлар қўламини кенгайтириш, тизим фойдаланувчилари учун янги-янги қулайликларни яратиш устида иш олиб бормоқда. Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг тўғри ва янада самарали фаолият олиб бориши учун ҳисоботларни электрон тарзда жўнатиш тизимининг асосий фойдаланувчилари бўлган – бухгалтерларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ўзига хос асос бўлиб хизмат қилади.

Айнан шу мақсадда тизимда «Сизнинг таклифларингиз» бўлими кўзда тутилган бўлиб, Сиз орқали мазкур тизимда ишлаш тартибини яхшилаш, соддалаштириш борасидаги таклифларингизни юборишингиз мумкин.

Бунинг учун менюнинг «Сизнинг таклифларингиз» бўлимини танлаб олишингиз ва очилган ойнага ўз таклиф ва истакларингизни ёзишингиз мумкин. Шундан сўнг «Сақлаш» тугмасини босасиз.

Сизнинг таклифларингиз «Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнида албатта, ҳисобга олинади.





«Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизими, хусусан, ҳисоботни электрон шаклда қабул қилиш бўйича ишни эрталаб қайси вақтда бошлайди ва тизимда кечқурун қайси вақтгача ишлаш мумкин?

Солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ва молиявий ҳисоботни электрон шаклда қабул қилиш ва ишлаш тизими кечаю кундуз дам олиш кунларисиз ишлайди.



Интерактив хизматлардан яқин вақтдан буён фойдалана бошладик ва дарҳол савол туғилди: хўжалик субъектлари текширувлари режасининг маълумоти қай даражада ишончли, ҳақиқатдан ҳам улар янгилаб бориладими?

Текширувлар режа-жадваллари ҳақидаги маълумотлар интерактив хизматлар серверида ҳар куни янгилаб борилади.



ЖШОДС бўйича электрон ҳисобот қабул қилинмаяпти, бунинг хатосини қаердан топиш ва сабабини қандай билиш мумкин?

Ҳисобот қабул қилинмаганлигининг сабабини «Рўйхатга олиш дафтари»нинг «Тафсилотлар»ида, «Хатолар» белгисини босиб, мазкур ҳисоботнинг қаршисида кўриш мумкин. Бироқ, дастур хатога айнан қайси жойда йўл қўйилгани ҳақида маълумот бермайди. Хатонинг фақат тури маълум қилинади. Ҳисоботни қайта кўздан кечириб чиқиш керак бўлади.

Даромад солиғи бўйича ҳисобот қабул қилинмаслигининг асосий сабаби маълумотни мавжуд бўлмаган санага киритилиши ёки банкдан ҳисобланганига нисбатан кўп маблағ олинганлиги бўлиши мумкин.



ЭРИ файллари билан флеш-мослама компьютерга ўрнатилган ҳолларда ҳам «Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар» тизимининг «Шахсий кабинет»ига киришга уриниш вақтида «ЭРИ топилмади» хабари пайдо бўлади. Бундай вазиятда нима қилиш керак?

Бундай хабар фақат ЭРИ файллари билан флеш-мослама ўрнатилмаган ёки носозлигида, ёки ЭРИ файллари флеш-мосламанинг асосий каталогига жойлашмаган бўлиб, папкага киритилган тақдирда пайдо бўлиши мумкин. Уларни янгидан флеш-мосламанинг асосий каталогига жойлаб, тизимга киришингиз мумкин бўлади.